ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

# МЕҲРНИ МЕҲНАТ БИЛАН ҚОЗОНДИ

### ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ЛИМОНЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ИШЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ



...УША КУНИ дўстлари ҳам, ҳамқишлоқлари ҳам уни қизғин табриклашди. Сизга қойилмиз, дейишди улар. Бу катта гап, ахир. Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари анжуманида сизнинг номингизни алоҳида тилга олишди. Амалга ошираётган ишларингиз таҳсинга сазовор эканлигини айтишди.

— Раҳмат, биродарлар,— деди Зайниддин ака икки қўлини кўксига қўйиб, — халқимизга хизмат қилаётганлигимдан беҳад мамнунман. Бундан буён ҳам бор кучим, имкониятимни, тажрибамни аямайман.

Бу сўзларни у ич-ичидан қувониб, шукроналик туйғулари қалбида туғён уриб айтаётган эди.

...Дарҳақиқат, элнинг, кўпчиликнинг назарига тушиш, эътиборини, меҳрини қозониш осон эмас. Ўз касбига ихлос қўйган, белгилаб олган мақсади йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни чидам, сабот, ақл билан енга оладиган одамларгина бундай улуғ бахтга муяссар бўла оладилар.

Зайниддин ака жуда яхши эслайди. У лимончиликка қўл урган 1960 йилда теплица майдони бор-йўғи 0,34 гектарни ташкил этарди. Иссиқ иқлим шароитида ўсадиган бу экинни Ўзбекистон шароитига мослаштириш осон бўлмади. Халқ селекционери кўп ўқиди, изланди, мутахассисларга мурожаат қилди. Улардан маслаҳатлар олди. Натижада йил сайин яхши кўрсаткичларга эриша борди. 1984 йилга келиб теплица майдони 40 гектарга етказилди. Бевосита унинг изланишлари туфайли лимоннинг янги, серҳосил навлари яратилди. Ўтган йили ҳосилга кирган 21 гектар майдондан 600 тонна маҳсулот олинди: гектар ҳисобига 30 тоннага тўғри келди. Пландаги 2 миллион 400 минг сўм ўрнига 2 миллион 700 минг сўм пул даромади олинди.

Ўтган йили лимонарийда иттифоқда биринчи бўлиб лимон шарбати ишлаб чиқарадиган цех қурилиб битказилди, фойдаланишга топширилди. Беш йилликнинг якунловчи йилида 300 тонна «Ф-2-Юбилей» навли лимондан «Лаззат» деб аталувчи шифобахш ичимлик шарбати тайёрланади ва Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ихтиёрига юборилади. Кондитер фабрикалари билан ҳам шартнома тузиб қўйилди. Лимоннинг шарбати олингандан сўнг қолган трупидан фабрикада пюре ишлаб чиқарилади.

Бу йил ҳам лимонарийни кенгайтириш давом эттирилади. Янгидан қурилаётган 10 гектар теплица майдони ишга туширилиб, йил охиригача умумий майдон 50 гектарга етказилади.

Бу ерда меҳнат қилаётган цитрусчи деҳқонларнинг кўпчилигини олий маълумотли мутахассислар ташкил этади. Зайниддин ака уларга устозлик қилмоқда. Унинг ўғиллари Шамсиддин, Аропиддинлар ҳам ота изидан бордилар. Лимончилик сирларини яхши ўрганиб олдилар. Эндиликда мустақил меҳнат қилиб, бўлимларни бошқаришмоқда. Лимончиликни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ёш мутахассис — бригада бошлиқларидан Восиқ Миродилов, Эргаш Хаитмуҳамедов, Абдуманноп Юсупов, Олим Мирзажонов, Фахриддин Нуриддинов, Шорасул Маҳкамов, Баҳром Рустамов, Миржамил Ёқубов ўртоқлар янги экилган лимон кўчатларини агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш, тез ҳосилга киритишда жонбозлик кўрсатиб ишлаётирлар.

Бу ерда зараркунандаларга қарши кураш ишларида асосан биологик усулдан фойдаланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

— Қиш қаттиқ келди, — дейди Зайниддин ака.— Айниқса, декабрь ойидаги совуқ ишимизни анча мураккаблаштириб қўйди. Бироқ, биз ҳам бўш келмадик. Кечалари тиним билмай ишладик. Газнинг кучи етмай қолган эди. Шунинг учун ҳаммамиз ҳамкор бўлиб, ҳамжиҳатликда зарур чора-тадбирларни кўрдик. Тўнка ёриб, олов ёқиб, қипиқ тутатиб теплица майдонларини маълум даражада иситиб турдик. Шу йўл билан қўриладиган зарарни анча камайтиришга муваффақ бўлдик. Ҳозиргача шаҳар аҳолисига ўнлаб тонна маҳсулот жўнатдик.

Лимонарий деҳқонлари ҳар гектар ердан самарали фойдаланиш учун курашадилар. Ёш лимон кўчатларининг қатор ораларига сабзавот экилади, кўкатлар ўстирилади. 1985 йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолига 200 тонна лимон, 73 тонна помидор, 1 тонна бодринг, 4 тоннадан ортиқ турли хил ошкўклар етказиб берилди.

— Биз раҳбарлар билан келишиб олдик, — дейди Зайниддин ака. — ТашГРЭСдан иссиқ сув олиш арафасида турибмиз. Бу тадбир амалга ошгач, лимон етиштириш ишлари анча такомиллашади, маҳсулот таннархини арзонлаштириш мумкин бўлади.

Лимончиликда ҳам бригада пудратини қўллаш катта самаралар беради. Буни биз ўз тажрибамизда обдон синаб кўрдик. Шунинг учун ҳам ҳамма бригадалар ана шу усулда ишлашга ўтган. Биз бу усулни бундан буён ҳам кенг қўллаймиз.

...Лимонарийда ҳамиша баҳор. Ёз ҳам шу ердан бошланади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Зайниддин Фахриддинов бошлиқ деҳқонлар шаҳар аҳолисини йил бўйи маҳсулотлар билан таъминлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

**Н. РИХСИЕВ.**

---

# ВАТАНГА САДОҚАТ






ҚАҲРАМОНЛИК тафсилотларини билиб олиш қанчалик қийин. Ҳамроҳим саволларимга жавоб бериш ўрнига олдимга уруш кезлари жанговар дўстлари билан бирга тушган суратларни, турли далил-ашёларни қаторлаштириб қўйди. Йиллар ўтиб, сарғайиб кетган нодир суратларга разм соларканман камтар, камгап гвардиячи подполковник, 75 баҳорни кўрган табаррук отахонни қандай қилиб жонли суҳбатга тортиш ҳақида ўйлардим.

— **Михаил Васильевич,**— дедим унга пиёлага қуйиб узатган чойини ола туриб,— **урушни қаерда, қандай кутиб олгансиз?**

— Уруш арафасида мен Латвияда хизмат қилардим. Қисмимиз Рига шаҳридан 90 километрча олисда жойлашган эди. Ўшанда 436-қурилиш батальонида ротага командирлик қилардим. Ҳарбий унвоним лейтенант эди. Эсимда, бир куни кундуз соат 12 ларда тепамиздан белгисиз номаълум самолётлар учиб ўтди. Лекин сал вақт ўтмай бомбардимон бошланди. Уйлар, бараклар, омборлар аланга олиб ёна бошлади.

...Тўс-тўполон бошланиб кетди. Шунда ҳам биз уруш бошланганига ишонмасдик. Бошлиқларимиз: «иғвогарлик бўлса керак», деб бизни тинчитишди. Фақат эртаси кун кечга яқин ҳамма нарса ойдинлашди. Уруш бошлангани ҳақида аниқ ва совуқ хабар эшитдик.

Қисмимиз 28-алоҳида танк дивизиясига айлантирилди ва у июль-август ойларида Псков, Новгород шаҳарлари мудофаасига ташланди. Бизнинг танк резведка полкимиз Старая Русса бўсағасида турарди. Мен ана шу ерда фашистларнинг бераҳмлиги, разиллигини ўз кўзим билан кўрдим. Душман самолётлари темир йўлда аёллар ва болаларни ортиб Шарққа бораётган эшелонни ваҳшиёна бомбардимон қилдилар. Бутун бир эшелондан тириқ жон қолмади ҳисоб. Ўша воқеа, бегуноҳ оналар, кексалар ва айниқса, мурғак болаларнинг куйган, тилка-пора бўлган қонли жасадлари ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди.

...Михаил Васильевич оғир тин олди. Пиёладаги совиб қолган чойдан бир қултум ҳўплади-да, шикасталик билан сўзида давом этди.

— Ана шунақа, ука! Ўша алам, ўша дард мени қасос олишга, ўлимга тик қарашга, жасоратга ундади.

...Ҳа, унга Ватан ҳам худди шундай буйруқ берганди. Довюрак лейтенант биринчи жангдаёқ бу юксак шарафни оқлади. Ўнлаб босқинчини ер тишлатди. Катта лейтенант унвони ва «Жанговар хизматлари учун» медалига сазовор бўлди.

Шенников ҳарбий мутахассис сифатида ҳужум операциялари вақтида йўл қўйилган нуқсонларни дарҳол фаҳмлаб оларди. У душман позицияларини ҳам, уларнинг ҳужум тактикасини ҳам ёд қилиб юборган эди. Гоҳо диққати ошганда дўстларига: «Яхши жанг қилолмаяпмиз! Нўноқлик қилиб қўйяпмиз!» — деб зорланарди. Аммо унинг батальони дадил ҳужум қилиб неча-неча қишлоқларни фашистлардан тозалаганда ҳам сира мақтанмади. Корпус командирига берган рапортида: «Қишлоқ бизники... Вазифа бажарилди!» — деб қўяқоларди. Генерал З. Зенкевич унинг бетоб бўлишига қарамай қирувчи отрядни шиддатли ҳужумга бошлаганини неча бор ўз кўзи билан кўрган, унинг жанг қилиш маҳоратига, зукколигига қойил қолган. Шуниси қизиқки, у ҳар қандай тенгсиз жангдан ҳам талофат кўрмай қайтарди.

...Душман колоннаси қалин қор босган сайҳонликдан илон изи бўлиб, тўппа-тўғри Шенников отряди эгаллаган мудофаа чизиғи томон яқинлашиб келарди. Колоннанинг охири кўринмасди. Отрядда эса, бор-йўғи 75 киши бор эди, холос...

Капитан Шенников ниманидир кутар, душман колоннасини синчковлик билан кузатарди. Билдики, жиддий қурол-яроғлари йўқ, ҳарбий тартибга ҳам риоя қилмай келишаяпти... Душманнинг қандай режаси борлиги маълум эмасди. Тўғри, капитаннинг тўплари бор. Аммо у шунча қўшинга бас кела олармикин?.. Шенников бошланишига бир бор огоҳлантириш залпи беришга қарор қилди. Шунда кутилмаган ҳол юз берди. Колонна тўхтаб, худди команда берилгандек бараварига қўл кўтарди. Улар руминлар, венгерлар, итальянлар экан. Қуролларини қорга улоқтириб, ўзаро чулдирашар, шовқин солишарди.

Генерал Зенкевич отряд командирини кулиб кутиб олди.

— Буйруғингиз бажарилди! Йўл тозаланди! 15 минг душман қўшини асир олинди!..

Бу орада яна кўп жанглар бўлиб ўтди. Курск ёйи, Днепр... ортда қолди. Душманга даҳшат солган генерал П. С. Рибалконинг афсонавий танк қўшинлари Ғарб томон яшин тезлигида силжиб борарди. Бу пайт жасур командир Шенников кўксини I, II-даражали Ватан уруши ва жанговар Қизил Байроқ орденлари безаб турарди.

— **Эшитишимча, Михаил Васильевич, жуда кўплар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини Днепрдаги жасорат учун олишган. Сиз ҳам «Олтин Юлдуз»ни шу ерда олганмисиз?**

— Йўқ. Умуман олганда Днепр учун олиб борилган жангларда бригадамиздан 18 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Шу жумладан командирларимиз ичида генерал Зенкевич ҳам... Афсуски, ҳалок бўлганидан кейин олди...

— **Днепрдан кейинги жанговар йўлингиз қандай?**

— Киев, Фастов, Львов, Перемишль, Сандомир, Бунцлау, Бартов, Берлин, Прага... Бизнинг 3-гвардиячи танк армиямиз ана шу оловли йўллардан жанг билан ўтди. Европа халқларини фашизм зулмидан халос этишда фаол қатнашди.

— **Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини сиз қаерда ва нима учун олгансиз?**

— Бартов шаҳрини ишғол қилганимиздан кейин. Нима учунлиги эса, мана (у қўлимга қаҳрамонлик гувоҳномасини тутқазди) фармонда: «Шахсий матонати ва отрядни моҳирлик билан бошқаргани учун» — дейилган.

Ҳа, суҳбатдошим яна камтарлик йўлига ўтиб олди. Аммо фронт кундаликлари ўша даҳшатли ва қирғинбарот жанг ҳақида гувоҳлик берарди.

...Берлин яқинидаги бу шаҳарни фашистлар мустаҳкам қалъага айлантиришган эди. Душман бино томларидан, уйларнинг дераза-эшикларидан пиёдаларимизни нишонга олар, бош кўтаришга йўл қўймасди. Шаҳарни немис миномёт полки, бошқа қисмлар мудофаа қиларди. Қалъа танкларимиз йўлини тўсиб қўйган, уларни шаҳарга киритиб бўлмас эди.

— Нима дейсизлар, шаҳарни ким ола олади?!— деди офицерларига полковник Архипов.— Шаҳарни Шенников олади!

Шенников командирдан ўз ихтиёрига қўшимча иккита ўзиюрар тўп дивизиони, битта танк батальони ва зенитчи — пулемёт ротаси берилишини илтимос қилди. Соат 10.00 да артиллерия канонадаси бошланди. Шаҳар устига довулдек ёпирилган снаряд ва ўқ ёмғири аҳоли ҳушини жойига келтирди. Уйларнинг эшик ва деразалари ланг очилиб, ҳамма ерда оқ байроқчалар кўзга ташлана бошлади. Бартов таслим бўлди!.. Танкларимиз кенг фронт бўйлаб душманнинг сўнгги уяси — Берлин сари ҳужум бошлади.

— **Михаил Васильевич, генерал Рибалко билан учрашганмисиз?**

— Мен Павел Семёнович билан кўп маротаба учрашганман. Кўксимга I, II-даражали Ватан уруши орденларини, Олтин Юлдузни ҳам у киши шахсан ўз қўллари билан тақиб қўйганлар.

...1954 йили Тошкентга кўчиб келган М. В. Шенников 9-қурилиш трестида, сўнгра мева-сабзавот хўжалиги министрлигида кадрлар бўлимининг бошлиғи ва бошланғич партия ташкилотининг секретари вазифаларида фаол ишлади. Ҳозир собиқ жангчи пенсияда, ҳузур-ҳаловатда умр кечиряпти.

Суҳбатимиз охирлаб қолганда кўча эшиги очилиб, хонага ёши улғайиб қолган бир аёл кириб келди.

— Янгангиз Александра Никоноровна,— таништирди Михаил Васильевич.— Ҳарбий врач, медицина хизмати капитани. Қизил Юлдуз ордени кавалери, медаллари ҳам анчагина.

...Қаршимда икки табаррук сиймо, икки ҳалоскор! Уларга боққаним сайин ҳавасим ортгандан ортарди. Чунки, бу икки ёстиқдош очиқ чеҳрасида мен ўша Буюк Ғалаба нашидаси ҳамон барқ уриб, шуълаланиб турганини кўрардим, ғурурланардим!

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**

## ҚАҲРАМОНЛАР орамизда

---

# Халқаро ҳаёт

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК. «Фашизм ва нацизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида иккинчи жаҳон урушининг асосий оғирлигини кўтарган Совет Иттифоқи тинчлик ишига самимий содиқ турганлигини кўрсатмоқда. М. С. Горбачев «Правда» газетасининг редактори билан қилган суҳбатида баён этилган янги ижобий таклифлар бунинг яққол далилидир». АҚШ Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Жеймс Жексон ТАСС мухбири билан суҳбатда шу гапни айтди. У СССР ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштиришни шу йилнинг ноябригача тўхтатиб қўйганлиги ҳамда Европада «Першинг»лар ва қанотли ракеталар жойлаштирилишига жавобан кўрилган бошқа чораларни амалга оширишни тўхтатганлигини «ҳақиқий яхши ният ифодаси» деб таърифлади. Бир ёқлама қўйилган бу қадам СССР биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида ихтиёрий равишда зиммасига олган мажбурият каби муҳим ташаббус билан баравардир, деб таъкидлади Жеймс Жексон.

● ДАМАШҚ. Сурия президенти Ҳафиз Асад мамлакатнинг янги ҳукуматини тузиш тўғрисида декрет чиқарди. Бу ҳукуматга яна Абдул Рауф Қосим бошчилик қилмоқда. Мустафо Тлас мудофаа ва Фаррух Аш Шаара ташқи ишлар министрлари қилиб тайинландилар. Улар илгари ҳам шу лавозимларда эдилар.

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг 39-сессияси қисқа муддатли ишини яна бошлади. Сессия БМТ Хавфсизлик Кенгаши, иқтисодий ва социал кенгашининг докладларини кўриб чиқади, бир қанча ташкилий ва маъмурий масалаларни муҳокама қилади.

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр Бағдодга келди. Бош секретарнинг матбуот масалалари бўйича вакили маълум қилишича, бу ерда уни Ироқ Бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Тариқ Азиз қабул қилган.

Х. Перес де Куэльяр шунгача Теҳронда Эрон бош министри Мирхусайн Мусави билан учрашган.

БМТ Бош секретари иккала мамлакатнинг вакиллари билан кўпдан-кўп маслаҳатлашувлардан сўнг Эрон ва Ироққа сафар қилган эди.

## ЮКСАК БАҲО

**ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Кампучия Совет Иттифоқи ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни юксак баҳолайди, советлар мамлакатининг ядро ҳалокатининг олдини олишга, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган конструктив ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, деди бу ерда КХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР Министрлар Советининг Раиси, КХР ташқи ишлар министри Хун Сен.**

**Ядровий ва космик қуроллар юзасидан Женевада Қўшма Штатлар билан ўтказилаётган музокараларда Совет Иттифоқи тутаётган конструктив позиция СССР изчил ташқи сиёсий йўл ўтказаётганлигининг ёрқин намунасидир. Совет Иттифоқи космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик, қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқаро кескинликни юмшатиш мақсадида ўзаро мақбул аҳдлашувларга эришишни ёқлаб чиқмоқда. КХР Женевадаги музокараларнинг муваффақияти Вашингтоннинг нечоғлик масъулият билан ва оқилона ёндашувига боғлиқ деб ҳисоблайди.**

**Халқ Кампучияси Америка маъмуриятининг қурол-яроғлар соҳасида бир томонлама устунликка эришишга, жаҳондаги вазиятни янада кескинлаштиришга қаратилган сиёсатини қатъий қоралайди. КХР озод мустақил давлатларнинг, энг аввало Жануби-Шарқий Осиё ва Ҳинди-Хитойдаги мамлакатларнинг ички ишларига ошкора аралашувини тўхтатишни АҚШдан талаб қилади. Регион халқлари мавжуд келишмовчиликларни ташқаридан тазйиқсиз, манфаатдор томонларнинг тинч йўл билан музокаралар олиб бориш асосида бартараф этиш имкониятига эга бўлишлари зарур, деди Кампучия раҳбари.**

**Ҳинди-Хитой мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида ўртага қўйилган конструктив таклифлар Кампучия теварагидаги кескинликни юмшатиш, Жануби-Шарқий Осиёни тинчлик зонасига айлантириш учун мустаҳкам негиз бўлди. Мавжуд проблемаларни сиёсий жиҳатдан тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган бу ташаббусларни бутун тараққийпарвар жамоатчилик қўллаб-қувватламоқда.**

**Қурғоқ мавсум даврида Кампучия халқ революцион армияси мамлакатнинг суверенитети ва территориал бутунлигини қўпоришга уринган кхмер реакцияси гуруҳлари устидан қозонган муҳим ғалабалар республиканинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланганлигидан яққол далолат беради. Кампучия халқи революция ғалабаларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, империализм ва халқаро реакция кучларига муносиб зарба бериш учун зарур имкониятларга эга, деб таъкидлади Хун Сен.**

## СЪЕЗД ЯКУНЛАРИ ЧИҚАРИЛДИ

ТОРОНТО. (ТАСС). Бу ерда Канада Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум марказий ижроия комитетининг 14 аъзоси ва 6 аъзоликка кандидатидан иборат марказий ижроия комитетни сайлади. Уильям Каштан яна Компартиянинг Бош секретари қилиб сайланди.

У. Каштан якунловчи нутқ сўзлади. У партия анжумани ишига якун ясади ва барча коммунистларни съезднинг Канада меҳнаткашлари ва мамлакат миллий мустақиллиги манфаатларини ҳимоя қилишга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишга чақирди.



**АҚШ. «Спрус крик процессинг» компаниясининг эгалари Ғарбий Виржиния штатида иш ташлаган шахтёрларни қўрқитишга уриниб кўрдилар. Компания президенти Жеймс Слейтер стачка қатнашчиларидан дарҳол ўз иш жойларини эгаллашни талаб этди. Акс ҳолда улар ишдан бўшатилишини айтди. Аммо меҳнаткашлар забастовкани давом эттирмоқдалар. Суратда: иш ташлаган шахтёрлар.**

**АП—ТАСС телефотоси.**

## ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ КЕСКИНЛАШДИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливандаги вазият тинимсиз кескинлашиб бормоқда. Исроил қуролли кучларидан мадад олаётган экстремист ўнг христиан бўлинмалар мамлакат жанубида фаластинликларнинг Айн Ал-Хилва ва Мия-Мия лагерларига шафқатсизларча ҳужум қилмоқдалар. Улар оғир тўпларни ва ракета қуролини ишга солиши натижасида фаластинликлар ва ливанликлар орасида кўп киши нобуд бўлди ва жароҳатланди. Ливан армиясининг асосий кучлари Сайда атрофларидан чекинтирилганидан кейин ўнг христиан гуруҳлар Тель-Авивнинг ҳарбий мададига таяниб мазкур зонадаги фаластинликларнинг лагерларини йўқ қилиб ташлаш мақсадида ҳужум қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Сайда ва унинг теварак — атрофларида юз мингга яқин фаластинлик ва ливанлик қочоқлар тўпланиб қолди. Исроилнинг тажовузкорлик ҳаракатлари Исроил чегарасига туташувчи шу районлардаги Фаластин аҳолисини қириб ташлашга қаратилган.

Ливан пойтахтида ҳам кескин вазият ҳукм сурмоқда. Байрутни шарқий ва ғарбий секторларга ажратиб турган чизиқ бўйлаб ўқтин-ўқтин отишмалар бўлиб турибди, шаҳарнинг шу қисмлари ўртасидаги қатнов тўхтаб қолди.

## ГВАТЕМАЛАДА ТЕРРОР

ГАВАНА. (ТАСС). Террор ва оммавий репрессиялар, прогрессив арбобларнинг «ғойиб бўлишлари» ва улар ўлдирилаётганлиги, инсон ҳуқуқлари бошқа йўллар билан ҳаддан ташқари бузилаётганлиги Гватемаланинг ҳозирги турмушига хос хусусиятлардир, деб ёзади Кубанинг «Верде оливо» журнали. Гватемала инсон ҳуқуқлари комиссиясининг гувоҳлик беришича, ўтган йилнинг ўзидагина минглаб ҳеч бир гуноҳсиз гражданлар ўлдирилган ёки «бедарак йўқолган». Бироқ ҳатто бу маълумотлар ҳам Марказий Америкадаги шу мамлакат халқи бошидан кечираётган фожианинг чинакам кўламларини тўлиқ акс этирмайди. Бу халқ АҚШ империализми қўллаб-қувватлаётган ҳарбий диктатура зулми остида яшамоқда.

Генерал Мехия режими, деб ёзади журнал, шаҳарлар ва йирик аҳоли пунктларида мунтазам суратда ялпи тинтув ўтказиб турибди. Бунда охранка барча «шубҳали» кишиларни хибсга олмоқда, сўнгра эса ана шу кишилар одатда ном-нишонсиз ғойиб бўлмоқдалар. Шундай воқеалар маълумки, жаллодларнинг қўлига тушган кишиларни вертолётлардан вулқонларнинг кратерларига ёки денгизга ташлашган. Гватемала охранкаси қамоққа олинган кишиларга «ишлов бериш»нинг энг шафқатсиз методларидан кўпчилигини Чили фашистларидан ўрганиб олган. Чили фашистларининг махсус хизмат маҳкамалари оппозициядан қонли ўч олиш борасида орттирган тажрибасини Гватемала режими ва Лотин Америкасидаги халққа қарши бошқа режимлар билан бажонидил баҳам кўрмоқдалар.

Ҳарбийлар ҳокимият тепасида турган 30 йил мобайнида, деб уқтиради «Верде оливо» журнали, шу қадар кўп жиноятлар қилишдики, Гватемалани «бевалар ва етимлар мамлакати» деб атайдиган бўлиб қолишди. Ўтган йилнинг мартида Гватемала халқига қарши хунрезлик БМТда лаънатланди, аммо ўша пайтдан буён бу мамлакатдаги аҳвол асло ўзгаргани йўқ.

## НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

● АДДИС-АБЕБА. Эфиопияда узоқ давом этган қурғоқчилик натижасида вужудга келган мураккаб вазият ҳозир тамомила назоратга олинди, деди Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш раиси Менгисту Хайле Мариам. У партия Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида сўзлаб, қурғоқчилик юз берган районлардан ўтган йилнинг ноябридан бошлаб 340 мингга яқин киши кўчирилганлигини маълум қилди.

Менгисту Хайле Мариам Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар Эфиопияга берган ёрдам ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини айтди.

(ТАСС).




**◆ Аргентина жамоатчилиги маъмурлардан ҳарбий диктатура даврида «бедарак йўқолганлар» тақдирини аниқлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини қўпол бузишда айбдор бўлганларни жазолашни талаб этмоқда. «Ю. С. нъюс энд уорлд рипорт» журналидан олинган ушбу суратда ҳарбий диктатура даврида фарзандлари йўқолган аёлларнинг намойиши.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## СУДАНДАГИ ВАЗИЯТ

◆ ХАРТУМ. (ТАСС). Судан бош ҳарбий қўмондонлиги биргаликдаги ҳаракат программасини ишлаб чиқиш ва муваққат ўткинчи ҳукуматни тузиш мақсадида мамлакатдаги турли сиёсий кучлар намояндалари билан зўр бериб ўтказаётган маслаҳатларини давом эттирмоқда. Халқ қуролли кучларининг бош қўмондони А. Р. Сивар ад-Дагаб айтганидек, бу ҳукумат умумий халқ сайлови ўтказилгунга қадар иш кўради. У экономикани соғломлаштириш чораларини кўришга ва қўзғолончилар билан бевосита музокаралар олиб бориш йўли билан мамлакат жанубидаги проблемаларни ҳал қилишга киришишга ваъда берди.

◆ КОҲИРА. (ТАСС). Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, Хартум билан телефон алоқаси тикланган. Пойтахт аэропортининг ишчилари ва хизматчилари ўз иш жойларига қайтиб боришган. Бироқ аэропортнинг ўзи маъмурларнинг алоҳида фармойиши бўлмагунча ишламайди. Генерал Сивар ад-Дагаб мамлакатнинг касаба союз аъзолари билан учрашганидан кейин Судан касаба союзлари ишчиларининг федерацияси умумий забастовкани тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мингга яқин сиёсий маҳбус турмалардан озод қилинди.

МЕНА агентлигининг хабар қилишича, кеча Сивар ад-Дагаб Араб, Африка ва Европа мамлакатларининг элчилари билан бир неча марта учрашган.

